



Император Констанций Иккинчи



«Никейчиликни кўллаб-куватлаган Шарк епископлари Констанций даврида каттик азоб чекишди. Укаси Констант 350 йили вафот этгач, Констанций подшоликни ўз ҳукми остига бирлаштирди ва энди жамики христиан олами арийчиларнинг кўлига ўтгандай бўлди». Теология профессори Кристофер А.Холл

Ҳақиқат ва ёлгон, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш азалий бўлиб, бадкорлар томонидан ҳақиқатни одамлардан яшириш мақсадида содир этилган жиноятлар сони ҳам саноксиздир. Зеро, инсон ўз табиати-ю, моҳиятига кўра ҳақиқатни танлаши, ҳамиша ҳақиқат томон интилишини улар яхши билишади. Ҳақиқат тарафдорлари, ўз навбатида, тўғри йўлда бораётган одамларга тўскинлик қиладиган ўша бадкорларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлишади. Шундай экан, уларнинг ҳақиқатга қақирадиган даъватини кўриқлайдиган муайян кучнинг бўлиши жуда муҳим масалалар. Фақат ҳаёлпараст кишигина ҳақиқат одамларга ўзидан ўзи етиб боради деб ўйлаши мумкин. Ҳақиқат эса аксарият ҳолларда, уни бадкорларнинг ҳамласидан ҳимоя қила биладиган кучга эҳтиёж сезади. Айнан шу боис ҳам Зиннурайн(Заннурайн (икки нур соҳиби) - Усмон ибн Аффон розияллоху анҳуга берилган ном. Константинополь император Констанций Иккинчига қолди. Қенг тарқалган тахминга кўра, бундай номга ушбу зоти шариф

Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг икки нафар кизи, хусусан Рукайя ва Умму Гулсумга уйлангани учун берилган. Бошка бир тахминга кўра эса ушбу саҳоба тунги ибодатлар давомида Куръонни кўп тиловат қилгани учун сазовор бўлган экан (Куръон - нур, тунги ибодат - нур). Али Мухаммад Саллабийнинг «Усмон ибн Аффон. Учинчи адолатли халифа» асарига қаранг. Араб тилидан изоҳлар қелтириб ўгирган таржимон Е. Сорокоумова. — М.: Умма, 2012. - 568- сах. - (Халифалик тарихи).) Усмон ибн Аффондан қуйидаги сўзлар ривоят қилинади: «Дарҳақиқат, Аллох Куръон воситасида тийилмаган нарсаларни ҳукмдорнинг қўли ила тўхтатиб боради». (Тариху бағдад, 4 - 107; ат-Тамхид Ибн Абдулбарра, 1 - 117.) Ҳақиқат қенг оммалашшига сабаб бўладиган муҳим омилларидан бири - ҳукмдор ёки қуч соҳибининг мавжудлигидир. Чунончи, ҳаммага маълумки, йўл ҳаракати қоидалари одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун зарур, аммо ўзингиз айтишчи, агар ушбу қоидалар ижросини қўзатиб, одамлар ҳаётини ҳавф остига қўйган қоидабузарларни жавобгарликка тортадиган полициячилар бўлмаса, ўша қоидаларга амал қиладиган одамлар сони қанча бўлар эди?

Атоқли шоир Аҳмад Шавкий розияллоху анху айтганидек: Таёқ ила қамчи бўлмас экан қар, Минбарда бўлмаган ҳеч бир эзгулик.

Маъмур ҳикоятимиз қаҳрамони император Констанций Иккинчининг ҳаётий йўли юқорида айтилган фикримизга далил бўла олади. Ушбу подшоҳни қурраи заминдаги эзгуликка йўлланган даъватни бадқорларнинг қасдасидан муҳофаза қилган ҳақиқий ҳимоятчи дея ҳисоблаш мумкин. Император Буюк Константин розияллоху анху 337 йили вафот топгач, Византия подшоҳлиги унинг қуч нафар ўғли ва қияни ўртасида тўрт қисмга бўлинди.

Ҳусусан, империянинг:

- Англиядан Мағрибга қўзилган Қарбий қисми император Константин Иккинчининг қасарруфига ўтди.

- Қарқазий Европа ва Италиядан Қимолий Африкага қўзилган Қарқазий қисми император Қонстант Биринчининг қасарруфига ўтди.

- бугунги Туркия ва Шом ҳудудидан Қиср ва шарқий Ливияга қўзилган Шарқий қисми ҳамда империя қойтахти - Юнонистон билан Болқон қарморолларидан иборат қисми Буюк Константиннинг қияни Далмацияга берилди.

Император Констанций Иккинчи ўғиллар орасида ўз отаси Буюк Константин қабри арийчилиқка эргашган қона ўғил бўлгани маълум. Буюк Константиннинг қолган икки нафар ўғли никейчилиқка қойил бўлишган. Констанцийнинг тақики бўлмаганда иққаласи қотилликда айбланиб сургунга ҳукм қилинган Афнасийни сургун қойидан қайтаришлари мумкин эди.

Константин Иккинчи билан Қонстант Биринчининг ўлимидан сўнғ Рум подшоҳлигининг қатта қисмини генерал Магнейий босиб олди. Шу тариқа, Буюк Константиннинг омон қолган қона ўғли арийчи император Констанций Иккинчи империянинг барча ерларини ўз қасарруфида бирлаштиришга эришди ва Ислоқ (ёки асл Христиан қини - арийчилиқ) Византия подшоҳлигининг расмий қинига айланди. Бирлашган империя эса ўз ичига Англия, Испания ва Мағрибдан Ироқ ва Туркияга қўзилган ҳудудни, шу қумладан, Қимолий Африка, Қиср ва Қарқазий Европани қамраб олди.

Шаҳсан мен, император Констанций Иккинчининг тарқимаи қолини узок ўрганиб қикқач, уни Ислоқ тарихидаги энг буюқ қаҳрамон бўлган деқан ҳулосага бордим. Ушбу мувахҳид подшоҳ ҳақида мақтабда ўқитилган тарих дарслигига битилган исмидан ташқари, деярли ҳеч қима билмас эдик. Аниқланишча, у ҳеч муқолагасиз, қуда қатта қучга эга шахс бўлган экан. Ҳақ йўлдаги қизмат, ҳукмдорлик даврида дунёнинг сиёсий қаритасига

Ўзгартириш киритиш борасида халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга ўхшаш жихатлари кўплигини Констанций Иккинчининг таржимаи холи билан танишиб чиккан киши ўзи учун кашф этади. Империянинг Шаркий қисмини ўз тасарруфига олган император Констанций Иккинчи подшолик пойтахти Константинополнинг епископи лавозимида, ўша даврда Ягона Аллохга эргашган христианларнинг раҳнамоси Евсевий Никомедийни тайинлаш тўғрисида фармон чикарди. Юкорида айтилгандек, у ўз укаларини никейчилар дохийси Афанасийни қўллаб-қувватлашдан тийиб борди. Империянинг барча қисмлари 350 йили Констанцийнинг ҳукми остида бирлашгач, подшоҳнинг амрига биноан бир нечта бутунжаҳон соборлари ўтказилиб, уларда Никей соборининг жамики қарорлари ва ўша даврда насронийлик таълимотига киритилган барча бузук тушунчалар бекор қилинди. Айниқча, 355 йили ўтказилган Милан собори бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Милан шаҳри ўша даврда яккаҳудоликнинг Европадаги таянчларидан бири бўлди.

Соборлар ўтгач, Исо алайҳиссаломнинг Ягона Аллохга асосланган асл таълимоти империянинг расмий мафқурасига айланди. Императорнинг рафикаси Евсевия ҳам катта роль ўйнаб, яккаҳудоликнинг кенг оммалашишига улкан ҳисса қўшди (Аллох ундан Ўз марҳаматини дариг тутмасин). Айни дамда улуг дин арбоби Евсевий Никомедий одамларга яккаҳудоликнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш билан машғул бўлди. У келгусида яккаҳудоликни тарғиб қилиб, ўз юртининг тарихий жараёнларини ўзгартириб юборган қўллаб одамларни Исломга киритди. Улар ҳақида кейин ҳикоя қиламиз. 361 йили Рум подшолигининг мусулмон императори Констанций Иккинчи розияллоху анху боқий дунёга рихдат қилди. Умрининг асосий қисмини Аллохнинг дини ва асл христианлик таълимотини ҳимоя қилишга сарф этган Констанцийнинг фарзандлари бўлмаган ва шу боис, салтанат Юлианга, тарих саҳифаларида Муртад Юлиан номи ила қолган амакиваччасига мерос ўтди. Подшоҳга бундай тамга босилишига унинг мажусийликка қайтгани, Ягона Аллохга эргашган насронийларга қарши аёвсиз қураш бошлаб, уларни ҳар қадамда қийноққа солганча, ваҳшиёна ўлдириб боргани сабаб бўлган.

Бугун биз асл христианларни сохта христианлардан фарқлай олишимиз учун Муртад Юлиан христианликнинг энг биринчи душмани бўлмиш Афанасийни сургун жойидан Искандарияга қайтариб, шаҳар черковига раҳбар этиб тайинлаганини билишимизнинг ўзи қифоя. Шундан сўнг, Ягона Аллохга эргашган чин насронийларни қийноққа солиб, беаёв ўлдириш жараёнлари авжига чиқди. Уша олаговур замонда таъқиб қилинганлар орасида жафоқаш Лукианнинг мактабида Арий билан бирга таҳсил кўрган Марис Халкидон ҳам бўлган. Тарихшунос олимлар Генри Вас билан Дэвид Рорбачер томонидан келтирилган маълумотларга кўра муваҳхид Мариснинг кўзи ўйиб олинган. Дахшатли қийноқларга солинган ушбу қаҳрамон золим император Муртад Юлианга мурожаат қилганча:

«Башарангни кўрмаслигим учун мени сўқир қилиб қўйган Худога беҳисоб шукрлар бўлсин!» - дея хитоб қилган экан.

Муртад Юлиан ҳукм сурган давр ўтгач, Византия салтанатида бир қатор императорлар алмашди. Уларнинг айримлари муваҳхид-мусулмон бўлган. Ундай подшоҳлар жумласига император Валент ёки император Валентиан Иккинчи ва унинг онаси, Гарбий Рум подшолигининг пойтахти Миланда арийчи епископнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаганча Исломга ёрдам берган ҳокон аёл Юстинани мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шундан сўнг, христианлик тарихидаги энг нохуш шахс - император Феодосий Биринчи хукм сурган давр кириб келди. Хамма бало янги императорнинг Исо алайхиссаломни Худо деб биладиган никейчилигида эмас, том маънода учига чиккан жиноятчи бўлганида эди. Феодосий Биринчи Исо алайхиссаломни илохийлаштириш бидъатига даъват этган никейчи епископларни шунчаки кўллаб-куватлаш билангина чекланмай, яккахудолик динига эътикод килган одамларнинг барини жиноятчига чикарди. Империя ахолисининг аксарият кисмини ташкил этган муваххид насронийларни оммавий равишда катл килишга киришди. Бу ҳақда тарихшунос олим, Инжилни биринчи бўлиб кадимий юнон тилидан латин тилига ўгирган таржимон Иероним куйидагича гувоҳлик берди: «Арийчи бўлганидан дунёнинг аксарият кисми фарёд солиб, хайратда колди...» Империя пойтахти Константинополга келсак, шаҳар ахолиси тўла-тўқис арийчи бўлган. Тарихшунос Морис Уайлс ўзининг «Азалдан маълум бидъат: Асрлар оша ўтиб келган мангу арийчилик» асарида шундай дейди: «Константинополдаги 40 йиллик ҳаёт давомида нафакат черков раҳбарияти арийчи бўлди, балки шаҳар ахолисининг аксарият кисмини ташкил этган насронийлар ҳам арийчиликни никейчиликдан афзал кўрди».

Никейчи черков раҳбарларидан иборат ҳамтовоклари билан бирга хукм сурган Феодосий Биринчи асл насронийлик таълимоти жорий згилган барча бутунжаҳон соборлари ва уларда қабул килинган қоидаларни бекор килди. Бинобарин, агар ўтмишда ўтган бутунжаҳон соборлари тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, 325 йилги биринчи Бутунжаҳон Никей собори билан 381 йилги иккинчи Бутунжаҳон Константинополь собори ўртасида деярли 60 йиллик танаффус ўтгани кўзга ташланади. Аслида эса бу, христианларни ўз динининг ҳақиқий тарихидан беҳабар колдириш мақсадида черков томонидан амалга оширилган сохтакорликлардан биридир.

381 йили император Феодосий Биринчининг амри ила Константинополь собори ўтказилди. Ушбу соборнинг қарори ила никейчилик таълимотига яна бир янги Худо қўшилди. Аникрок айтиладиган бўлса, ўша йили илк бор Худога тенг келтирилиб, сизиниш учун муносиб топилган Муқаддас Рухга эътикод эълон қилинди ва айнан ўша йили банибашар тарихида илк бор Муқаддас Учликнинг барча аъзолари «Эътикоднинг Никей рамзи»даги ўз жойини эгаллади. Қисқаси, энди насронийлар эътикод қиладиган объектлар мазмунан: кексайган Ота; ок-сарик сочли, Угил дея эътироф этилган навқирон йигит; кабутар кўринишида тасвирланган Муқаддас Рухдан иборат бўлиб колди. Санаб ўтилган учала сиймо Худога тенг, аммо улар якка тартибда алоҳида олиб кўриладиган бўлса, бир-бирига тенг келадиган Худо эмас. Кўриниб турибдики, бундай гоё ҳар қандай мантикка, ҳусусан, муайян объектлар маълум бир ягона нарса бўлар экан, уларнинг ҳар бири алоҳида кўрилганда ҳам бошқасининг ўзи бўлиши керак, қоида-сига зид келади. Черков бундай ақида борасида оддий христианларга ҳеч қандай тушунтириш бермаганига қарамай, Муқаддас Учликка эътикод ўша даврдан буён, яъни Исо тугилганидан кейин 380 йил ўтиб, энди тринитарчилар дея саналадиган никейчилар эътиқоди учун мажбурий шартлардан бирига айланди.

Ўша кунгача ўтган баҳс-мунозаралар Учликка эътикод мавзусида эмас, Исо алайхиссаломни илохийлаштириш мавзуси атрофида кечган. Чунки Муқаддас Рух 381 йилгача ҳеч қачон Худо сифатида тилга олинмаган. Хатто Никей соборида ҳам Муқаддас Рух ҳақида биров оғиз очмаган. Буларнинг бари бугунги насронийларнинг аксарияти кўр-кўрона ишонадиган Учликка доир ақида Исо алайхиссалом тугилганидан кейин 380 йил ўтгачгина пайдо бўлганини черков ўз қавми - оддий христианлар

оммасидан бекитишга уринаётганидан далолат беради.

Бу вақтга келиб тринитар черков тарихининг мудхиш саҳифасига айланган яна бир жиддий ходиса рўй берди. Ушбу ходиса банибашар тарихида ўтган энг ваҳший одамлардан бири - епископ Августин Иппонийнинг ёки черков таъбири ила айтганда Авлиё Августиннинг пайдо бўлиши билан богликдир. Ул кас христианликка янгидан-янги бузук маслакларни жорий этишдан ташкари, черков амалиётига одамларни кийночка солиш ишларини ҳам киритди. Кейинчалик христианлик тарихида содир этилган турлича кийночка солиш жараёнлари ва азоб бериб ўтказилган судлар бир замонлар Августин тасдиқлаган ахлоксиз конунлар билан чамбарчас боглик кечди. Жазоирнинг Нумидиясида тугилган Августин, ушбу юртни босиб олган румликларнинг авлоди бўлган. Бугунги черков уни барбар дея танитади. Епископ Августин барбар бўлмаган. Черков амалдорлари барбар халқини ўз томонига огдириш мақсадидагина уни барбарлар орасидан чиққан қахрамон буюк шахс сифатида кўрсатишга уринишади. Аслида Августиннинг онаси барбар бўлган. Унинг отаси эса румлик бўлиб, Исо алайхиссаломга зигирдай даҳли йўқ кип-кизил мажусий бўлган. Августин болаликдан даҳрий бўлиб ўсган, йигитлик ёшига етгач эса манихейчиликка - Форс юртидаги мажусий динлардан бирига кирган. Эътибор берилса, Исо алайхиссаломнинг динини бузган Афанасий ёки Августин каби шахсларнинг аксарияти аввал бошдан христиан бўлишмаганини, улар тугилиб ўсган оилалар насроний бўлмаганини фахмлаш кийин эмас. Арий билан Евсевий каби буюк зотлар эса аксинча, христиан оилада тарбия топишганидан ташкари, ўз даврининг буюк насроний уламози жафокаш Лукианнинг мактабида таҳсил кўришган.

Августин ёшлигида мажусийларнинг манихейчилик фалсафасидан олган бузук маслагини, унинг епископлик даврига келиб шундок ҳам бузилиб бўлган тринитар христианлик динига жорий этишга ва бу билан бир бидъат устидан бошқа бидъатни кўшиб боришга катъий бел боглаган. Бугунги христианлик динидаги аксарият гоёлар аслида Августин томонидан ўйлаб топилиб, Исо алайхиссаломнинг хақикий динини тамоман бузиб ташлаган ёлгон-яшиқ нарсалар эканини аксарият насронийлар тасаввур ҳам кила олмайди. Бирок христианлик учун энг катта мусибат ушбу жинойатчи томонидан черков амалиётига жорий этилган кийночка солиш мафкураси бўлди. Бундай мафкура Исо алайхиссаломнинг асл таълимотига мувофиқ танҳо Аллоҳга иймон келтирган насронийлар ёки ушбу таълимот душманларининг таъбири ила айтганда арийчилар учун хақикий фожианинг ибтидоси бўлди. Учликка эътикод килинадиган динга киришга мажбур қилиш учун арийчиларни ва бошқа тоифага мансуб насронийларни кийночка солиш амалиёти кенг тус олди. Минг-минглаб муваххид насронийлар ўлдирилди. Имкон топганлар Учликка эътикод тарафдорлари томонидан Исо алайхиссаломнинг хақикий издошларини ёппасига кириш мақсадида ихтиро қилиниб, қўлланиладиган мудхиш кийночка солиш анжомларидан узок-узокларга қочишди.

Тринитарчилар Исонинг хақикий издошларидан батамом халос бўлдик деган ҳаёлга боришган вақтда ҳеч қим қутмаган бир ходиса рўй берди!

Тўртинчи аср интихосида қандай ходиса юз бердики, тринитарчилар билан муваххидликка эргашганлар орасидаги муносабатлар ўзгарди? Қандай қилиб яққахудолик тарафдорлари тарих саҳнасига қайтишга эришишди? Қандай қилиб муваххидлик Европа худудининг йирик қисми, Шимолий Африка, Эфиопия ва Яманга етиб, оммалашди?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан